ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАКИМОВ РУСТАМЖОН МАХМУДОВИЧ

КОНФИГУРАЦИЯСИГА ҚАТТИҚ ЧЕКЛАШЛАР ҚЎЙИЛГАН ПАНЖАРАЛИ СИСТЕМАЛАРНИНГ ГИББС ЛИМИТ ЎЛЧОВЛАРИ

01.01.01 – Математик анализ
(физика-математика фанлари)

Физика-математика фанлари доктори (DSc) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019 йил

УДК: 517.98

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of the doctoral (DSc) dissertation

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАКИМОВ РУСТАМЖОН МАХМУДОВИЧ

КОНФИГУРАЦИЯСИГА ҚАТТИҚ ЧЕКЛАШЛАР ҚЎЙИЛГАН ПАНЖАРАЛИ СИСТЕМАЛАРНИНГ ГИББС ЛИМИТ ЎЛЧОВЛАРИ

01.01.01 – Математик анализ
(физика-математика фанлари)

Физика-математика фанлари доктори (DSc) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019 йил

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.DSc/FM35 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (http://ik-fizmat.nuu.uz/) ва «Ziyonet» ахборот таълим тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Розиков Уткир Абдуллоевич** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Гринив Остап Олегович** профессор (Дарем университети, Англия)
	Рахимов Абдуғофур Абдумажидович физика-математика фанлари доктори
	Кудайбергенов Каримберген Кадирбергенович физика-математика фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	**Қарши давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Математика институти ҳузуридаги Dsc.27.06.2017.FM.01.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___»___________ соат____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24, факс: (99871) 246-53-21, 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24.)

Диссертация автореферати 2019 йил «____» _______________куни тарқатилди.
(2019 йил «____» ___________ даги _______ рақамли реестр баённомаси).

А. С.Садуллаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., академик

Ғ.И. Ботиров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.н.

В.И.Чилин
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида физик ва биологик системаларнинг термодинамик хоссаларини ҳамда хизмат кўрсатиш, ахборотлар назарияси масалаларини ўрганиш учун олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар натижасида вужудга келадиган муаммоларнинг ечимлари аксарият ҳолларда Гиббс ўлчовлари назарияси масалаларига келтирилади. Классик статистиканинг доимий ҳарорат сақланадиган ва атроф-муҳит билан иссиқлик мувозанатида бўлган системалари учун америкалик олим Дж.У.Гиббс томонидан ўрнатилган каноник Гиббс тақсимоти муҳим аҳамиятга эга. Р.Бэкстер ва F.Kelly ишларидан кўриш мумкинки, Гиббс тақсимотларини ўрганиш фаннинг кўп йўналишларида, жумладан, физика, статистик механика, биология ва хизмат кўрсатиш назарияси каби йўналишларда долзарб ҳисобланади. Шунингдек, статистик механиканинг турли моделлари учун Гиббс тақсимотларини қуриш ўлчовлар назариясининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда физика, статистик механика моделлари учун трансляцион-инвариант, даврий, кучсиз даврий ва бошқа Гиббс ўлчовларини қуриш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада мақсадли илмий тадқиқотларни, жумладан, қуйидаги йўналишлардаги илмий изланишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади: берилган гамильтониан учун Гиббс ўлчови мавжудлигини аниқлаш; барча бундай ўлчовлар тўпламининг стуктурасини таҳлил қилиш; мавжуд Гиббс ўлчовларининг чекка ўлчов бўлиш шартларини топиш; ҳароратнинг фаза алмашишини таъминловчи критик қийматларини аниқлаш. Юқорида келтирилган илмий-тадқиқотлар йўналишида бажарилаётган илмий изланишлар мазкур диссертация мавзусининг долзарблигини изоҳлайди.

Мамлакатимизда амалий татбиққа эга бўлган долзарб йўналишларга эътибор кучайтирилди, хусусан, статистик механиканинг классик моделлари учун лимит Гиббс ўлчовларини тадқиқ қилиш, трансляцион-инвариант, даврий, кучсиз даврий Гиббс ўлчовларини мавжудлигини аниқлаш усулларини топишга алоҳида эътибор қаратилди. Конфигурациясига қаттиқ чеклашлар қўйилган панжарали системалар ҳамда чекли ва саноқли сондаги спин қийматларга эга бўлган моделлар учун Гиббс ўлчовларини қуриш ва бундай ўлчовлар тўпламининг структурасини таҳлил қилишда сезиларли натижаларга эришилди. «Функционал анализ, математик физика, эҳтимоллик назарияси ва динамик тизимлар назарияси» фанларининг устивор йўналишлари бўйича ҳалқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш математика фанининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди[1]. Қарор ижросини таъминлашда Гиббс ўлчовлари тўпламининг хоссаларини тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга.

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги № ПФ-4947 “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисидаги” Фармони, 2017 йил 17 февралдаги № ПҚ-2789 “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида” ги, 2017 йил 20 апрелдаги № ПҚ-2909 “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ва 2018 йил 27 апрелдаги № ПҚ-3682 “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалиётга жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожлантиришнинг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи[2].

Гиббс ўлчовлари назарияси бўйича илмий изланишлар етакчи хорижий давлатларнинг илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Бонн университети, амалий математика институти, Бохумнинг Рур университети (Германия); INFN илмий институти, Abdus Salam International Center for Theoretical Physics, Истиқболли тадқиқотлар маркази, Аквила университети (Италия); назарий физика маркази, Марсель университети, Прованс университети, CNRS ва Париж университети (Франция); Москва давлат университети, ахборотлар узатиш муаммолари институти, Россия фанлар академияси Математика институти (Россия); Авейру университети (Португалия); Кюсю университети (Япония); статистика лабораторияси, Кембридж университети, School of Mathematics, University of Leeds, Лафборо университети (Буюк Британия); Зирве университети, Харран университети (Туркия); Женева университети (Швейцария) ва бошқа жойларда олиб борилмоқда.

Физика ва статистик механиканинг турли моделлари учун Гиббс ўлчовларини қуриш бўйича олинган натижаларни тадқиқ қилишга оид дунёда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор долзарб масалалар ечилган, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: Кэли дарахти устида икки ҳолатли Hard-Core (HC) модели учун трансляцион-инвариант Гиббс ўлчови ягона эканлиги кўрсатилган ва шу модель параметрларига баъзи шартлар қўйилганда даври иккига тенг бўлган Гиббс ўлчовларининг ягона эмаслиги исботланган (Statistical Laboratory, DPMMS, University of Cambridge, Англия); уч ва тўрт ҳолатли қаттиқ дисклар моделлари учун

[2] Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: Journal of Statistical Physics, Queueing Systems, Теоретическая и математическая физика, Сибирский математический журнал, Математические заметки, Украинский математический журнал, http://www.springer.com/mathematics; Journal of Siberian Federal University. Mathematics and Physics, Journal of Physics: Conference Series https://www.researchgate.net ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

унумдор НС модели тушунчаси киритилган ва бундай моделлар учун Гиббс ўлчови ягона ва ягона бўлмайдиган шартлар топилган (Department of Mathematics, London School of Economics (Англия), Bell Laboratories, Lucent Technologies, Mountain Avenue Murray Hill, New Jersey (АҚШ)); Кэли дарахти устида уч ҳолатли НС моделлари учун трансляцион-инвариант ва даврий Гиббс ўлчовларининг мавжудлиги масаласи кўрилган ва баъзи ҳолларда ҳар қандай мусбат λ активлик учун трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовларининг ягоналиги исботланган (CNRS and University Paris (Франция), Statistical Laboratory, DPMMS, University of Cambridge (Англия)); $k \geq 2$ тартибли Кэли дарахти устида ферромагнит Поттс модели учун трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовлари тўлиқ таснифланган, $k = 2$ тартибли Кэли дарахти устида эса бу ўлчовларнинг четка ўлчов бўлиш шартлари топилган (Fakultät für Mathematik - Ruhr-Universität Bochum (Германия)); Кэли дарахти устида тўрт ҳолатли қаттиқ дисклар моделлари ҳамда SOS модели учун трансляцион-инвариант ва даврий Гиббс ўлчовларининг мавжудлиги ва ягона эмаслиги кўрсатилган (Centre de Physique Théorique, Universités Aix-Marseille et Sud Toulon-Var (Франция)).

Дунёда бугунги кунда, турли моделлар учун Гиббс ўлчовларини аниқлаш ва уларни татбиқ этиш бўйича бир қатор изланишлар, жумладан: НС модели учун даврий ва трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовларининг мавжудлигини кўрсатиш ва кучсиз даврий Гиббс ўлчовларини таснифлаш; икки ҳолатли НС модели учун трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовларининг четка ўлчов бўлиш шартларини топиш; чекли ҳолатли қаттиқ дисклар моделлари ва SOS моделлари учун параметрларнинг трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовлари ягона бўлмайдиган аниқ қийматларини топиш ҳамда четка ўлчов бўлиш шартларини аниқлаш; спин қийматлари сони чекли ёки саноқли бўлган моделлар учун даврий, кучсиз даврий ва бошқа Гиббс ўлчовларининг мавжудлик шартларини топиш; Поттс ва НС моделлари учун трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовларини таснифлаш ва бу ўлчовлар тўпламининг структурасини таҳлил қилиш каби устувор йўналишларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дж.У.Гиббс томонидан каноник Гиббс тақсимоти яратилган бўлишига қарамай, биринчи бўлиб Гиббснинг лимит ўлчовлари умумий характеристикаси Р.Л.Добрушин, О.Лэнфорд ва Д.Рюэлларнинг ишларида келтирилган. Бу тушунчанинг хусусий ҳоли, бундан анча аввал, Н.Н.Боголюбов ва Б.И.Хацет ишларида намоён бўлган. Гиббс ўлчовлари назарияси кўплаб олимларнинг, жумладан, Р.Бэкстер, Х.О.Георги, В.А. Малишов, R.A.Minlos, К.Престон, Д.Рюэль, Я.Г.Синай, M.Baus, C.F.Nejero, G.Gallavotti, F.Bonetto, G.Gentile, Jean Zinn-Justin, Ф.Мухаммедов, Н.Н.Ганиходжаев ва У.А.Розиковларнинг ишларида ёритилган. Р.Л.Добрушин томонидан лимит Гиббс ўлчовининг мавжудлиги ҳақидаги теорема исботланган. К.Х.Хинин бу теоремани квант майдонлар назариясининг панжарали моделлари учун қўллаган. Фаза алмашишларнинг асосий назарияси С.А.Пирогов, Я.Г.Синай, R.A.Minlos, N.Datta, R.Fernandez, J.Fröhlich, A.C.D.Enter ва M.Zahradnik ишларида ўз аксини топган.

Конфигурациясида спин чекланмаган сондаги қийматлар қабул қиладиган моделлар учун Гиббс ўлчовининг мавжудлиги ҳақида теорема J.Lebowith ва E.Presutti томонидан исботланган. Панжарали моделларнинг турли синфлари учун Пайерлснинг контур усулига асосланиб лимит Гиббс ўлчовларини анализ қилиш Ф.А.Березин, С.А.Пирогов, Я.Г.Синай, J.Ginibre, A.Grossman, Д.Рюэль, Р.Л.Добрушин, В.Герцик, O.J.Heilmann, E.M.Lieb, M.Cassandro, M.Da Fano, G.Olivereri, Г.Ботиров ва бошқа олимларнинг ишларида намоён бўлган.

Статистик физикада тадбиқлари билан асосланган HC модели Z^d панжарада A.E.Mazel ва Yu.M.Suhov томонидан ривожлантирилган. Кэли дарахтида группалар назариясини қўллаб лимит Гиббс тақсимотлари илк бор F.Spitzer томонидан қурилган. HC моделларининг тасодифий боғлиқмас графлар тўпламини ва панжарада газ молекулаларининг системасини ўрганишда пайдо бўлишини ҳамда уларнинг тадбиқларига бағишланган илмий изланишларни Р.Бэкстер, G.R.Brightwell, P.Winkler, D.Galvin, J.Kahn, F.Kelly, G.Louth, P.Mitra, K.Ramanan, A.Sengupta, I.Ziedins ишларида кўриш мумкин. Кэли дарахтида HC моделлари учун трансляцион-инвариант, даврий ва бошқа Гиббс ўлчовларини қуриш ҳамда бундай ўлчовлар тўпламининг структурасини анализ қилиш бўйича G.Brightwell, O.Häggström, P.Winkler, F.Kelly, B.Luen, D.Galvin, F.Martinelli, P.Tetali, Yu.M.Suhov, J.Martin, J.Ruiz, D.Gandolfo, У.А.Розиков, Ш.А.Шоюсуповлар илмий изланишлар олиб боришган.

Н.Н.Ганиходжаев, У.А.Розиков ишларида Кэли дарахтида q ҳолатли Поттс модели учун чекли сондаги трансляцион-инвариант ва саноқсиз сондаги трансляцион-инвариант бўлмаган Гиббс ўлчовлари мавжудлиги кўрсатилган. Гиббс ўлчовлари тўпламини кенгайтириш мақсадида У.А.Розиков ва М.М.Рахматуллаев ишларида кучсиз даврий Гиббс ўлчовлари тушунчаси киритилган ва Изинг модели учун бундай ўлчовлар мавжудлиги исботланган. Изинг моделининг умумлашган ҳоли бўлган SOS модели учун трансляцион-инвариант ва даврий Гиббс ўлчовларини таҳлил қилиш бўйича Yu.M.Suhov, У.А.Розиков, Ш.А.Шоюсупов, Р.М.Хакимов ва бошқалар илмий-тадқиқотлар олиб боришган. Кэли дарахтида статистик механиканинг турли моделлари учун, группалар назариясини қўллаб, Гиббс ўлчовларини қуриш кўп сонли илмий ишларда, жумладан, F.Peruggi, F.di Liberto, G.Monroy, J.F.F.Mendes, F.Wagner, D.Grensing, J.Heide, F.Y.Wu, G.Brightwell, P.Winkler, Н.Н.Ганиходжаев, Ф.Мухаммедов, У.А.Розиков, М.Рахматуллаев, Г.Ботиров, Р.М.Хакимов ва бошқаларнинг изланишларида ривожлантирилди. Юқоридаги каби кўплаб илмий ишлар бажарилганига қарамасдан, ҳозиргача ҳали бирорта ҳам модель учун лимит Гиббс ўлчовларининг тўла таснифи берилмаганини таъкидлаш жоиз.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Фанлар Академияси Математика институтининг Ф4-ФА-Ф013 «Ноассоциатив ва операторлар алгебралари, динамик системалар, ҳамда уларнинг статистик физика ва популяцион биологияга тадбиқлари»

(2012-2016 йиллар) ва ОТ-Ф4-82+ОТ-Ф4-87 «Операторлар ва ноассоциатив алгебраларда локал дифференциаллаш ва автоморфизмлар, ночизикли динамик системаларда фаза алмашишлар ва хаос»+«Евклид ва псевдо-Евклид фазоларидаги эгри чизиқлар ва сиртларнинг глобал инвариантлари назарияси ва унинг механикага тадбиқлари» (2017-2021 йиллар) мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади спин қийматлари сони чекли бўлган Поттс ва қаттиқ дисклар моделлари учун лимит Гиббс ўлчовлари тўпламининг структурасини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

$k \geq 2$ тартибли Кэли дарахти устида НС модели учун трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовларининг чекка ўлчов бўлиш шартларини топиш;

икки ҳолатли қаттиқ дисклар модели учун даври икки бўлган кучсиз даврий Гиббс ўлчовларининг мавжудлигини текшириш;

қаттиқ дисклар модели учун даври тўртга тенг бўлган кучсиз даврий (даврий бўлмаган) Гиббс ўлчовларининг мавжудлигини аниқлаш;

$k \geq 2$ тартибли Кэли дарахти устида уч ҳолатли қаттиқ дисклар моделлари учун трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовлари ягона эмаслик ҳамда уларнинг чекка ўлчов бўлиш шартларини топиш;

тўрт ҳолатли унумдор НС моделлари учун трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовлари ягона бўлмайдиган параметрларнинг қийматларини топиш;

$k \geq 2$ тартибли Кэли дарахти устида Поттс модели учун трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовларининг тўлиқ таснифлаш;

$k = 2$, $k = 3$ тартибли Кэли дарахтида Поттс модели учун трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовларининг чекка ўлчов бўлиш оралиқларини кўрсатиш;

Кэли дарахти устида Поттс модели учун трансляцион-инвариант бўлмаган даврий Гиббс ўлчовларининг сонини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти Кэли дарахти устида q ҳолатли Поттс модели, икки ҳолатли қаттиқ дисклар модели ҳамда уч ва тўрт ҳолатли унумдор НС моделларидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети чекли ҳолатли Поттс ва қаттиқ дисклар моделлари учун трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовлари, Поттс модели учун даврий Гиббс ўлчовлари ҳамда икки ҳолатли НС модели учун трансляцион-инвариант ва кучсиз даврий Гиббс ўлчовларидан иборатдир.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида марков тасодифий миқдорлар назариясига ҳамда шу назариянинг реккурент тенгламаларига ваночизиқли динамик системалар назариясига асосланган усуллардан фойдаланилган. Шунингдек, ўлчовлар назарияси, ночизиқли анализ, чизиқли алгебра, қисқартириб акслантириш усулларидан ва MathCAD, Maple 15 дастурларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

икки ҳолатли қаттиқ дисклар модели учун $k \geq 2$ тартибли Кэли дарахти устида даври икки бўлган кучсиз даврий Гиббс ўлчовлари тўлиқ таснифланган;

уч ҳолатли НС модели учун $k \geq 2$ тартибли Кэли дарахти устида трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовлар сонининг қуйи чегараси аниқланган;

уч ҳолатли НС модели учун $k = 2$ тартибли Кэли дарахти устида трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовларининг чекка ўлчов бўлиш ва бўлмаслик шартлари топилган;

тўрт ҳолатли унумдор НС моделларининг бири учун $k \geq 2$ тартибли Кэли дарахти устида трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовлари тўлиқ таснифланган;

$k \geq 2$ тартибли Кэли дарахти устида q ҳолатли Поттс модели учун трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовлари тўлиқ таснифланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси Гиббс ўлчовлари ягона бўлмаган моделлар учун параметрларнинг фаза алмашишларни таъминлайдиган аниқ ёки тақрибий қийматларини аниқланганлигидан ҳамда баъзи ўлчовлар учун физик системанинг тоза фазасини ифодаловчи чекка ўлчов бўлиш оралиқлари топилганлигидан иборатдир.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўлчовлар назариясининг фундаментал натижаларидан, функционал анализ, дискрет аргументли функциялар назарияси усулларидан фойдаланилганлиги ва параметрлар фиксирланган ҳолда фазавий ўтиш учун топилган критик қийматлар ҳақидаги тасдиқлар натижалари математик дастурлаш тилидаги Maple 15, MathCAD дастурлари ёрдамида текширилганлиги ҳамда математик мулоҳазаларнинг ва исботларнинг қатъийлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти физика ва статистик механиканинг турли моделлари учун фаза алмашишлар мавжудлигини аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти лимит Гиббс ўлчовларининг мавжудлиги, чекка ўлчов бўлиши ва тўлиқ таснифи физик система ҳолатининг ўзгаришини тадқиқ қилиш учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Конфигурациясига қаттиқ чеклашлар қўйилган панжарали системаларнинг Гиббс лимит ўлчовларига оид олинган натижалар асосида:

Поттс модели учун трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовларининг тўлиқ таснифи «Symmetries and Universality in Mesoscopic Systems» мавзусидаги DFG SFB | TR12 рақамли хорижий грантида шу модель учун трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовларининг чекка ўлчов бўлиш масаласини ечиш учун қўлланилган (Рур университетининг 2016 йил 26 октябрдаги маълумотномаси, Германия). Илмий натижанинг қўлланиши Поттс моделига мос физик системаларнинг термодинамик хоссаларини ўрганиш имконини берган;

Кэли дарахтида НС моделлари ва q ҳолатли Поттс модели учун трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовларининг тўлиқ таснифи «Quadratic Stochastic Operators with Infinite State Space and Their Applications» мавзусидаги FRGS 14-116-0357 рақамли хорижий грантида Бете панжарасида

q ҳолатли Поттс моделининг фаза диаграммаларини ўрганиш учун қўлланилган (Халқаро Ислом университетининг 2016 йил 1 ноябрдаги маълумотномаси, Малайзия). Илмий натижанинг қўлланиши Поттс модели учун p-адик Гиббс ўлчовларини ўрганиш имконини берган;

Кэли дарахтида Поттс модели учун Гиббс ўлчовлари бўйича олинган натижалар «Real/ p-adic dyanamical systems and Gibbs measures» мавзусидаги ANR-10-LABX-58 рақамли хорижий грантда баъзи бир моделлар учун ноаменабел графларда ҳақиқий ва p-адик Гиббс ўлчовларини ўрганиш учун қўлланилган (Париж-Эст университетининг 2019 йил 5 июндаги маълумотномаси, Франция). Илмий натижанинг қўлланиши мос физик системаларнинг фазаси ҳақида маълумот олиш имконини берган;

Кэли дарахтида Поттс ва HC моделлари учун Гиббс ўлчовларини таснифлаш усулларидан хорижий илмий журналларда (Mathematical Physics, Analysis and Geometry, 2015; Chaos, Solitons & Fractals, 2016; Journal of Statistical Physics, 2017; Journal of Physics: Conference Series, 2017; Random Structures & Algorithms, 2017; Theoretical and Mathematical Physics, 2018, 2019) чоп этилган илмий мақолаларда янги Гиббс ўлчовларини тадқиқ этишда фойдаланилган. Илмий натижанинг қўлланилиши янги Гиббс ўлчовларини қуриш, фазавий ўтишлар мавжудлигини аниқлаш ва физик системаларнинг ҳолати ҳақида маълумот олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 23 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 5 та халқаро ва 18 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 40 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола, жумладан, 11 та мақола хорижий ва 6 та мақола республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар руйхатидан ташкил топган. Диссетациянинг ҳажми 196 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Икки ҳолатли қаттиқ дисклар модели учун кучсиз даврий Гиббс ўлчовлари»** деб номланувчи биринчи боби икки ҳолатли қаттиқ дисклар модели учун трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовларининг чекка ўлчов бўлиш шартларини топишга ҳамда даври иккига тенг бўлган кучсиз даврий Гиббс ўлчовларининг ягона эканлигини ва даври тўртга тенг бўлган кучсиз даврий Гиббс ўлчовларининг ягона эмаслигини исботлашга бағишланган.

Биринчи параграфда зарур таърифлар, даврий, кучсиз даврий ва трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовлари тушунчалари ҳамда баъзи маълум фактлар ва натижалар келтирилган.

$k \geq 1$ тартибли τ^k Кэли дарахти бу чексиз дарахтдир, яъни ҳар бир учидан $k+1$ та қирра чиқувчи циклсиз графдир.

$\tau^k = (V, L, i)$ ни қарайлик, бунда V тўплам τ^k дарахтнинг учлари тўплами, $L-$унинг қирралари тўплами ва $i-$ҳар бир $l \in L$ қиррага унинг $x, y \in V$ четки нуқталарини мос қўювчи инцидентлик функциясидир. Агар $i(l) = \{x, y\}$ бўлса, у ҳолда x ва y учлар энг яқин қўшнилар дейилади ва $l = \langle x, y\rangle$ каби белгиланади. Кэли дарахтида $x,\ y \in V$ учлар орасидаги $d(x, y)$ масофа ушбу формула орқали аниқланади

$$d(x, y) = \min\{d \mid \exists x = x_0, x_1, \ldots, x_{d-1}, x_d = y \in V\ ,\ \langle x_0, x_1\rangle, \ldots, \langle x_{d-1}, x_d\rangle\}.$$

Фиксирланган $x^0 \in V$ учун қуйидагича белгилашлар киритамиз:

$$W_n = \{x \in V \mid d(x, x^0) = n\},\ \ V_n = \{x \in V \mid d(x, x^0) \leq n\},$$
$$L_n = \{l = \langle x, y\rangle \in L \mid x, y \in V_n\}.$$

$x \in W_n$ учун $S(x) = \{y \in W_{n+1} :\ d(x, y) = 1\}$ тўплам x нинг тўғри авлодлари тўплами дейилади.

G_k-ташкил этувчилари мос равишда $a_1, a_2, ..., a_{k+1}$ бўлган $k+1$ та иккинчи тартибли циклик группаларнинг эркин кўпайтмаси бўлсин.

Қуйидаги тасдиқ Н.Н.Ганиходжаевнинг ишида келтирилган.

Тасдиқ 1. $k-$тартибли Кэли дарахтининг V учлар тўплами билан G_k группа ўртасида ўзаро бир қийматли мослик мавжуд.

G_k группа τ^k $(k \geq 1)$ тартибли Кэли дарахтининг группавий тасвири бўлсин. Унинг ихтиёрий $x \in G_k$ элементи қуйидаги кўринишга эга:

$$x = a_{i_1} a_{i_2} \ldots a_{i_n},\ \text{ бунда }\ 1 \leq i_m \leq k+1,\ \ m = \overline{1, n}.$$

n сони x сўзнинг узунлиги дейилади ва $l(x)$ каби белгиланади.

x сўзнинг қисқармас ёзувида қатнашувчи ҳар бир $a_i,\ (i = \overline{1, k+1})$ ҳарфнинг сонини $\omega_x(a_i)$ орқали белгилаймиз. Масалан, агар $x = a_2 a_1 a_2 a_3 a_2$ бўлса, у ҳолда $\omega_x(a_1) = \omega_x(a_3) = 1,\ \omega_x(a_2) = 3$. Равшанки, x сўзнинг узунлиги $l(x) = \sum_{i=1}^{k+1} \omega_x(a_i)$ га тенг.

$A \subseteq V$ тўпламда аниқланган $\sigma_A : x \in A \to \sigma_A(x) \in \Phi = \{0,1,...,q\}$ функция конфигурация дейилади. A тўпламда аниқланган барча конфигурациялар тўплами $\Omega_A = \Phi^A$ каби белгиланади. Хусусан, $\Omega = \Omega_V$ ва $\sigma = \sigma_V$.

G_k группанинг G_k^* қисм группасини қарайлик. Агар ихтиёрий $x \in G_k$ ва $y \in G_k^*$ учун $\sigma(yx) = \sigma(x)$ бўлса, у ҳолда $\sigma \in \Omega$ конфигурация G_k^*-даврий дейилади.

Барча силжишларга нисбатан инвариант бўлган конфигурация трансляцион-инвариант дейилади.

$\sigma \in \Omega$ конфигурациянинг энергияси ушбу

$$H(\sigma) = \sum_{\substack{A \subset V: \\ diam(A) \le r}} I(\sigma_A), \tag{1}$$

гамильтониан орқали берилади, бунда $r \in N$, $diam(A) = \max_{x,y \in A} d(x,y)$ ва $I(\sigma_A) : \Omega_A \to R -$ берилган потенциал.

$D^c = V \setminus D$ да φ_{D^c} чегаравий шарт берилган чекли $D \subset V$ соҳа учун шартли гамильтониан қуйидаги

$$H(\sigma_D \mid \varphi_{D^c}) = \sum_{\substack{A \subset V: A \cap D \ne \varnothing \\ diam(A) \le r}} I(\sigma_A)$$

кўринишга эга, бунда

$$\sigma_A(x) = \begin{cases} \sigma(x), \text{ агар } x \in A \bigcap D \\ \varphi(x), \text{ агар } x \in A \bigcap D^c. \end{cases}$$

$\mathbf{B} - \Omega$ тўпламнинг цилиндрик қисм тўпламларидан ташкил топган σ-алгебра бўлсин.

Ушбу

$$\sigma_A \vee \tilde{\sigma}_{V \setminus A}(x) = \begin{cases} \sigma(x), \text{ агар } x \in A, \\ \tilde{\sigma}(x), \text{ агар } x \in V \setminus A. \end{cases}$$

конфигурацияни қарайлик.

Таъриф 1. Агар ихтиёрий чекли $A \subset V$ учун ушбу

$$\mu(\sigma_A \mid \tilde{\sigma}_{V \setminus A}) = \frac{e^{-\beta H(\sigma_A \vee \tilde{\sigma}_{V \setminus A})}}{Z_{A,\tilde{\sigma}}},$$

тенглик ўринли бўлса, у ҳолда μ эҳтимоллик ўлчови $\mathbf{B}$ $\sigma -$ алгебрада лимит Гиббс ўлчови дейилади, бунда $H(\sigma)$ (1) формула орқали аниқланган, $\beta = \frac{1}{T}$, $T > 0 -$ ҳарорат ва

$$Z_{A,\tilde{\sigma}} = \sum_{\varphi \in \Omega_A} e^{-\beta H(\varphi_A \vee \tilde{\sigma}_{V|A})}.$$

$\mathcal{G}(H)-$барча лимит Гиббс ўлчовлари тўплами бўлсин. Агар $\nu_1 \neq \nu_2$ учун $\mu = \frac{1}{2}(\nu_1 + \nu_2)$ тенглик бажариладиган $\nu_1, \nu_2 \in \mathcal{G}(H)$ лар мавжуд бўлмаса, у ҳолда $\mu \in \mathcal{G}(H)$ нуқта $\mathcal{G}(H)$ тўпламнинг чекка нуқтаси дейилади.

Асосий масалалар. Бизни қуйидаги иккита асосий масала қизиқтиради:

1) Берилган гамильтониан учун ҳеч бўлмаганда битта Гиббс ўлчови мавжудлигини аниқлаш.

2) Берилган гамильтонианга мос $\mathcal{G}(H)$ барча Гиббс ўлчовлари тўпламининг структурасини таҳлил қилиш.

Маълумки, агар $H-$узлуксиз гамильтониан бўлса, у ҳолда $\mathcal{G}(H)$ тўплам (Ω, B) да аниқланган барча эҳтимолликлар тўпламининг бўш бўлмаган қавариқ компакт қисм тўплами бўлади.

$\Phi = \{0,1\}$ ва $\sigma \in \Phi^V -$конфигурация бўлсин, бунда $\sigma(x)=1$ эканлиги Кэли дарахтида x учнинг «банд» эканлигини, $\sigma(x)=0$ эса унинг «вакант» эканлигини билдиради.

Таъриф 2. Агар V (V_n ёки W_n) даги ихтиёрий $\langle x, y\rangle$ учун $\sigma(x)\sigma(y)=0$ бажарилса, у ҳолда σ конфигурация жоиз конфигурация дейилади.

Бундай конфигурациялар тўпламини Ω (Ω_{V_n} ва Ω_{W_n}) орқали белгилаймиз. Равшанки, $\Omega \subset \Phi^V$.

HC-моделнинг гамильтониани ушбу

$$H(\sigma) = \begin{cases} J\sum\limits_{x\in V}\sigma(x), & \text{агар } \sigma \in \Omega, \\ +\infty, & \text{агар } \sigma \notin \Omega, \end{cases}$$

формула орқали аниқланади, бунда $J \in R$.

Ҳар қандай жоиз $\sigma_n \in \Omega_{V_n}$ конфигурация учун $\#\sigma_n$ орқали V_n даги бирлар (банд учлар) сонини белгилаймиз:

$$\#\sigma_n = \sum_{x\in V_n}\sigma_n(x),$$

$z : x \mapsto z_x = (z_{0,x}, z_{1,x}) \in R_+^2$ функция V да берилган вектор функция бўлсин. Ω_{V_n} да $n = 1, 2, \ldots$ учун қуйидагича

$$\mu^{(n)}(\sigma_n) = \frac{1}{Z_n}\lambda^{\#\sigma_n}\prod_{x\in W_n} z_{\sigma_n(x),x} \qquad (2)$$

аниқланган $\mu^{(n)}$ эҳтимоллик тақсимотини қарайлик, бунда $Z_n -$нормалловчи бўлувчи:

$$Z_n = \sum_{\varphi_n \in \Omega_{V_n}} \lambda^{\#\varphi_n}\prod_{x\in W_n} z_{\varphi_n(x),x}.$$

Агар ихтиёрий $n \geq 1$ ва $\sigma_{n-1} \in \Omega_{V_{n-1}}$ учун қуйидаги

$$\sum_{\omega_n\in\Omega_{W_n}}\mu^{(n)}(\sigma_{n-1}\vee\omega_n)\mathbf{1}(\sigma_{n-1}\vee\omega_n\in\Omega_{V_n})=\mu^{(n-1)}(\sigma_{n-1}),$$

тенглик ўринли бўлса, у ҳолда $\mu^{(n)}$ эҳтимолликлар кетма-кетлиги мувофиқлашган дейилади, бунда

$$\mathbf{1}(\sigma_{n-1}\vee\omega_n\in\Omega_{V_n})=\begin{cases}1, \text{ агар } \sigma_{n-1}\vee\omega_n\in\Omega_{V_n}\\ 0, \text{ агар } \sigma_{n-1}\vee\omega_n\notin\Omega_{V_n}.\end{cases}$$

Агар $\mu^{(n)}$ учун мувофиқлик шарти бажарилса, у ҳолда Колмогоров теоремасига кўра $(\Omega,\mathbf{B})$ да ихтиёрий n ва $\sigma_n\in\Omega_{V_n}$ учун ушбу

$$\mu(\{\sigma|_{V_n}=\sigma_n\})=\mu^{(n)}(\sigma_n).$$

тенгликни қаноатлантирувчи ягона μ ўлчов мавжуд.

$G_k^*-G_k$ нинг қисм группаси бўлсин.

Таъриф 3. Агар $\forall x\in G_k,\ y\in G_k^*$ учун $z_{yx}=z_x$ бўлса, у ҳолда $z=\{z_x,x\in G_k\}$ қийматлар мажмуи G_k^*-даврий дейилади.

G_k-даврий қийматлар трансляцион-инвариант дейилади.

Ихтиёрий $x\in G_k$ учун $\{y\in G_k:\langle x,y\rangle\}\setminus S(x)$ тўплам ягона элементга эга, бу элементни $x_\downarrow$ орқали белгилаймиз.

$G_k/G_k^*=\{H_1,...,H_r\}-$фактор группа бўлсин, бунда $G_k^*-r\geq 1$ индексли нормал бўлувчи.

Таъриф 4. Агар $x\in H_i,\ x_\downarrow\in H_j$ да $z_x=z_{ij}$ бўлса, у ҳолда $z=\{z_x,x\in G_k\}$ қийматлар мажмуи G_k^*-кучсиз даврий дейилади.

Эслатма 1. Агар z_x нинг қиймати $x_\downarrow$ га боғлиқ бўлмаса, у ҳолда z кучсиз даврий қийматлар оддий даврий билан устма-уст тушади.

Таъриф 5. G_k^*-(кучсиз) даврий z қийматлар мажмуига мос μ ўлчовни G_k^*-(кучсиз) даврий ўлчов дейилади.

Ю.Сухов ва У.Розиковларнинг ишларидан қуйидаги теорема маълум.

Теорема 1. (2) даги $\mu^{(n)}(\sigma_n)$, $(n=1,2,\ldots)$ эҳтимоллик тақсимотлари кетма-кетлиги мувофиқлашган бўлиши учун $x\in V$ да ушбу

$$z_x^{'}=\prod_{y\in S(x)}\frac{1}{1+\lambda z_y^{'}},$$

тенглама ўринли бўлиши зарур ва етарли, бунда $z_x^{'}=\dfrac{z_{1,x}}{z_{0,x}}$, $\lambda=e^{J\beta}>0-$ параметр.

Биринчи бобнинг иккинчи параграфи НС модели учун трансляцион-инвариант Гиббс ўлчов (ТИГЎ) ларининг чекка ўлчов бўлиш шартларини топишга бағишланган. Ю.Сухов ва У.Розиков ишларида $z=1/(1+\lambda z)^k$

тенгламанинг ягона ечимига мос μ^* ТИГЎ $k \geq 2$ ва $\lambda > \left(\sqrt{k}\right)^k / (\sqrt{k}-1)^{k+1}$ бўлганда чекка ўлчов бўлмаслиги исботланган.

Иккинчи параграфнинг асосий теоремаси қуйидагича.

Теорема 2. μ^* ТИГЎ $k \geq 2$ ва $\lambda \in (0, \lambda_*)$ бўлганда чекка ўлчов бўлади, бунда

$$\lambda_* = \lambda_*(k) = \frac{1}{t_*^k}\left(\frac{1}{t_*} - 1\right),$$

ва $t_* \in (0,1)$ – қуйидаги тенгламанинг ягона ечими:

$$t^{k+1} - kt^2 + (2k-1)t - k + 1 = 0.$$

Биринчи бобнинг учинчи параграфида кучсиз даврий Гиббс ўлчовлари ўрганилган. $\varnothing \neq A \subset N_k = \{1, 2, ..., k+1\}$ ва $H_A = \{x \in G_k : \sum_{i \in A} w_x(a_i)$ – жуфт сон$\}$ – индекси икки бўлган нормал бўлувчи бўлсин, бунда $w_x(a_i)$ – сон $x \in G_k$ сўздаги a_i ҳарф сони. Ю.Сухов ва У.Розиковларнинг ишидан маълум бўлган $(1+\lambda)^{-k} < z_x < 1$, $x \in V$ тенгсизликдан фойдаланиб, қуйидаги теорема исботланган:

Теорема 3. HC модели учун ихтиёрий $k \geq 1$, $i \leq k$, бунда $i = |A|$, ва $\lambda > 0$ ларда H_A-кучсиз даврий Гиббс ўлчови ягона. Бундан ташқари, бу ўлчов ягона бўлган ТИГЎ билан устма-уст тушади.

Биринчи бобнинг тўртинчи параграфи даври тўртга тенг кучсиз даврий Гиббс ўлчовларини ўрганишга бағишланган.

Қуйидаги тўпламларни қараймиз:

$$I_1 = \{(z_1, z_2, z_7, z_8) \in R^4 : z_1 = z_2 = z_7 = z_8\},\ I_2 = \{(z_1, z_2, z_7, z_8) \in R^4 : z_1 = z_7,\ z_2 = z_8\},$$
$$I_3 = \{(z_1, z_2, z_7, z_8) \in R^4 : z_1 = z_2, z_7 = z_8\},\ I_4 = \{(z_1, z_2, z_7, z_8) \in R^4 : z_1 = z_8,\ z_2 = z_7\}.$$

Бу параграфнинг асосий натижаси қуйидаги теоремада келтирилган.

Теорема 4. HC модели учун нормал бўлувчининг индекси тўрт бўлганда қуйидагилар ўринли:

1. $k \geq 1, i \leq k$ учун I_1 тўпламда кучсиз даврий Гиббс ўлчови ягона ва бу ўлчов ягона бўлган ТИГЎ билан устма-уст тушади.

2. $k = 2$, $\lambda_{cr} = 4$ ва $i = 1$ ёки $i = 2$ бўлсин. У ҳолда I_2 да $\lambda < \lambda_{cr}$ бўлганда трансляцион-инвариант бўлган ягона кучсиз даврий Гиббс ўлчови мавжуд, $\lambda = \lambda_{cr}$ да бири трансляцион-инвариант, иккинчиси даврий бўлмаган иккита кучсиз даврий Гиббс ўлчовлари мавжуд ва $\lambda > \lambda_{cr}$ да даврий бўлмаган иккита кучсиз даврий Гиббс ўлчовлари мавжуд.

3. $k = 3, i = 1$ бўлсин. У ҳолда шундай λ_0 мавжудки, I_2 да $\lambda > \lambda_0$ бўлганда бири трансляцион-инвариант, қолганлари кучсиз даврий (даврий бўлмаган) камида тўртта Гиббс ўлчовлари мавжуд.

4. $k \geq 1, i = 1$ ёки $k = 2, i = 2$ бўлганда I_3 инвариант тўпламда кучсиз даврий Гиббс ўлчови ягона.

5. $k=2,3,\ i=1$ ёки $k=i$ бўлганда I_4 инвариант тўпламда кучсиз даврий Гиббс ўлчови ягона.

Диссертациянинг **«Ахборотлар назариясидаги бир модел учун Гиббс ўлчовлари»** деб номланувчи иккинчи боби уч ҳолатли унумдор қаттиқ дисклар моделлари учун ТИГЎларини ўрганишга бағишланган. Баъзи моделлар учун $k\geq 2$ тартибли Кэли дарахтида ТИГЎлари ягона бўлмайдиган λ параметрнинг аниқ қийматлари топилган. $k=2$ бўлганда эса мавжуд ТИГЎларининг чекка ўлчов бўлиш ва бўлмаслик шартлари аниқланган.

Иккинчи бобнинг биринчи параграфида унумдор граф тушунчаси, зарур бўлган таърифлар ва шу модель бўйича маълум бўлган натижалар келтирилган.

Қаралаётган моделда ҳар бир x учга $\sigma(x)\in\{0,1,2\}$ қийматлардан бири мос қўйилади. $\sigma(x)=1,2$ эканлиги x учнинг «банд»лигини, $\sigma(x)=0$ эса унинг «вакант» эканлигини ифодалайди.

Кэли дарахтида конфигурация $\sigma:V\to\Phi=\{0,1,2\}$ каби аниқланади. V да аниқланган барча конфигурациялар тўплами Ω орқали белгиланади. Худди шунга ўхшаш, V_n (W_n) да конфигурациялар аниқланади ва V_n (W_n) да аниқланган барча конфигурациялар тўплами Ω_{V_n} (Ω_{W_n}) каби белгиланади.

Φ тўпламни бирор G графнинг учлари тўплами сифатида қараймиз. Агар V (V_n) даги ихтиёрий x,y яқин қўшнилар учун $\{\sigma(x),\sigma(y)\}-G$ графнинг қирраси бўлса, у ҳолда σ конфигурация Кэли дарахтида (V_n ёки W_n) G-жоиз конфигурация дейилади. G-жоиз конфигурациялар тўпламини Ω^G $(\Omega^G_{V_n})$ орқали белгилаймиз.

G граф учун активлик тўплами $\lambda:G\to R_+$ функциядир. λ функциянинг $i\in\{0,1,2\}$ учлардаги λ_i қийматлари учнинг “активлиги” дейилади.

Берилган G ва λ лар учун $G-$НС моделнинг гамильтониани ушбу

$$H^{\lambda}_G(\sigma)=\begin{cases}\sum\limits_{x\in V}\ln\lambda_{\sigma(x)}, & \text{агар } \sigma\in\Omega^G,\\ +\infty, & \text{агар } \sigma\notin\Omega^G.\end{cases}$$

орқали аниқланади.

Таъриф 6. Агар шундай λ активлик мавжуд бўлсаки, мос гамильтониан камида иккита ТИГЎ га эга бўлса, у ҳолда G унумдор граф дейилади.

Учлари $0,1,2$ ($\sigma(x)$ нинг қийматлари тўпламида) бўлган қуйидаги тўртта унумдор графларни қарайлик:

Сиртмоқ: $\{0,0\}\{0,1\}\{0,2\}\{1,1\}\{2,2\}$; Жезл: $\{0,1\}\{0,2\}\{1,1\}\{2,2\}$;

Калит: $\{0,0\}\{0,1\}\{0,2\}\{1,1\}$; Ҳуштак: $\{0,0\}\{0,1\}\{1,2\}$.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфида $G=$ *сиртмок* ва $G=$ *жезл* бўлган ҳолларда $\lambda>\lambda_{cr}$ бўлганда учинчи тартибли Кэли дарахтида учта, $k\geq 2$ тартибли Кэли дарахтида эса камида учта ТИГЎ мавжуд бўладиган λ_{cr} нинг аниқ қийматлари топилган.

Иккинчи параграфнинг асосий теоремаси қуйидагича:

Теорема 5. $k \geq 2$ ва $\lambda_{cr}(k) = (k+1)^k (k-1)^{-1} k^{-k}$ бўлсин. У ҳолда НС модели учун $G = сиртмок$ бўлган ҳолда, $\lambda > \lambda_{cr}$ да камида учта, $\lambda \leq \lambda_{cr}$ да эса битта ТИГЎ мавжуд.

Эслатма. 2. 1. У.Розиков ва Ш.Шоюсуповларнинг ишида НС модели учун $G = сиртмок$ ва $G = жезл$ ҳолларда $k = 2$ бўлганда, $\lambda > \lambda_{cr}$ да учта μ^*, μ_1, μ_2 ТИГЎлари мавжуд эканлиги исботланган.

2. Иккинчи параграфда $k = 3$ да НС модели учун $G = сиртмок$ ва $G = жезл$ ҳолларда $\lambda > \lambda_{cr}$ бўлганда учта ТИГЎ мавжудлиги кўрсатилган.

3. $G = жезл$ бўлганда теорема 5 га айнан ўхшаш теорема исботланган, бунда $\lambda_{cr}(k) = 2^k (k-1)^{-1} k^{-k}$.

4. У.Розиков, Ш.Шоюсупов, J.Martin ва Ю.Суховларнинг ишидан маълумки, $G = хуштак$ ва $G = калит$ ҳолларда ихтиёрий $\lambda > 0$ ва $k \geq 1$ учун ТИГЎ ягона.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфи $k = 2$ да μ^*, μ_1, μ_2 ТИГЎларининг чекка ўлчов бўлиш шартларини топишга бағишланган. Kesten-Stigum ва F.Martinelli, A.Sinclair, D.Weitz усулларидан фойдаланиб қуйидаги теорема исботланди.

Теорема 6. $k = 2$ бўлсин. У ҳолда $G = сиртмок$ ҳолида НС модели учун қуйидаги тасдиқлар ўринли:

1. Шундай $\lambda_0 \approx 7.0355$ мавжудки, $\lambda > \lambda_0$ да μ^* ўлчов чекка ўлчов бўлмайди ва $\lambda < \lambda_0$ да чекка ўлчов бўлади.

2. $\lambda_1 = 0.5 \cdot (5\sqrt{2} - 1)$ бўлсин. Агар $\lambda_{cr}(2) < \lambda < \lambda_1$ бўлса, у ҳолда μ_1 ва μ_2 ўлчовлар чекка ўлчов бўлади.

Шуни таъкидлаш жоизки, $G = жезл$ ҳолда ҳам теорема 6 га ўхшаш теорема ўринли. Бунда $\lambda_0 \approx 2.2876$, $\lambda_1 \approx 1.3031$.

Диссертациянинг «**Унумдор НС моделлари учун трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовлари**» деб номланувчи учинчи бобида Кэли дарахтида $\lambda > 0-$активлик параметрига эга тўрт ҳолатли НС моделлари қаралади. G.Brightwell, P.Winklerларнинг ишидан маълумки, бундай моделларнинг уч тури мавжуд. Ҳар бир модель учун иккинчи ва учинчи тартибли Кэли дарахтида λ параметрнинг ихтиёрий қийматида ТИГЎ ягона эканлиги исботланган. Бундан ташқари, моделларнинг иккитаси учун λ параметрнинг, ТИГЎ ягона бўлмайдиган, қийматлари топилган.

Биринчи параграфда зарур таърифлар, мувофиқлик шартини бажарилишини таъминлайдиган тенгламалар ва маълум бўлган натижалар келтирилади.

Учлари $0,1,2,3$ ($\sigma(x)$ нинг қийматлари тўпламида) бўлган қуйидаги учта унумдор графларни қарайлик:

таёқ: $\{0,1\}$ $\{1,2\}$ $\{2,3\}$ калит: $\{0,1\}$ $\{0,2\}$ $\{1,2\}$ $\{2,3\}$

умумлашган калит: $\{0,1\}$ $\{0,2\}$ $\{1,2\}$ $\{2,2\}$ $\{2,3\}$

Учинчи бобнинг иккинчи ва учинчи параграфларининг асосий натижалари мос равишда 7 ва 8-теоремалар орқали ифодаланади.

Теорема 7. НС модели учун $G = \text{таек}$ ҳолида қуйидаги тасдиқлар ўринли:

1. $k=2, k=3, k=4$ ва $\lambda > 0$ бўлганда ягона ТИГЎ мавжуд.

2. $k \geq 5$ бўлсин. У ҳолда шундай $\lambda_{cr,1}$ ва $\lambda_{cr,2}$ мавжудки, $\lambda < \lambda_{cr,1}$ ва $\lambda > \lambda_{cr,2}$ да фақат битта, $\lambda = \lambda_{cr,1}$ ёки $\lambda = \lambda_{cr,2}$ да иккита ва $\lambda_{cr,1} < \lambda < \lambda_{cr,2}$ да учта ТИГЎлари мавжуд.

Теорема 8. НС модели учун $G = \text{калит}$ ҳолида қуйидаги тасдиқлар ўринли:

1. $k=2, k=3$ ва $\lambda > 0$ бўлганда ягона ТИГЎ мавжуд.

2. $k \geq 4$ бўлсин. У ҳолда шундай $\lambda_{cr}^{(1)}$ ва $\lambda_{cr}^{(2)}$ мавжудки, $\lambda < \lambda_{cr}^{(1)}$ ва $\lambda > \lambda_{cr}^{(2)}$ бўлганда фақат битта, $\lambda_{cr}^{(1)} \leq \lambda \leq \lambda_{cr}^{(2)}$ да эса биттадан кўп ТИГЎ мавжуд, бунда

$$\lambda_{cr}^{(1)} = \left(\frac{k-1}{2k}\right)^k \cdot \frac{\left[(k^3-k^2-k+2+k\sqrt{D_1})\cdot(k^2+k+1+\sqrt{D_1})\right]^{k+1}}{4\left(k^2-k+1+\sqrt{D_1}\right)^{2k+1}},$$

$$\lambda_{cr}^{(2)} = \left(\frac{k-1}{2k}\right)^k \cdot \frac{\left[(k^3-k^2-k+2-k\sqrt{D_1})\cdot(k^2+k+1-\sqrt{D_1})\right]^{k+1}}{4\left(k^2-k+1-\sqrt{D_1}\right)^{2k+1}},$$

$$D_1 = k^4 - 2k^3 - 5k^2 + 2k + 5.$$

Учинчи бобнинг тўртинчи параграфида $G = \text{умумлашган калит}$ ҳолида иккинчи ва учинчи тартибли Кэли дарахтида ихтиёрий $\lambda > 0$ учун фақат битта ТИГЎ мавжудлиги исботланган.

Диссертациянинг **«Поттс модели учун Гиббс ўлчовлари»** деб номланувчи тўртинчи боби q ҳолатли Поттс модели учун ТИГЎларини ўрганишга бағишланган. Поттс модели учун ТИГЎларининг тўлиқ таснифи олинган ҳамда иккинчи ва учинчи тартибли Кэли дарахтида уларнинг чекка ўлчов бўлиш шартлари топилган. Тўрт ҳолатли ферромагнит Поттс модели учун $k \geq 2$ тартибли Кэли дарахти устида барча $G_k^{(2)}$-даврий Гиббс ўлчовларининг трансляцион-инвариант эканлиги исботланган. Бундан ташқари, q ҳолатли антиферромагнит Поттс модели учун ихтиёрий тартибли Кэли дарахти устида инвариант тўпламларнинг бирида трансляцион-инвариант бўлмаган $G_k^{(2)}$-даврий Гиббс ўлчовларининг аниқ сони топилган.

Биринчи параграфда зарур таърифлар ва тушунчалар келтирилган. Шунингдек, Поттс модели учун Гиббс ўлчовининг мувофиқлик шартининг бажарилишини таъминловчи функционал тенгламалар берилган.

Спин қийматлари тўплами $\Phi = \{1, 2, \ldots, q\}$, $(q \geq 2)$ бўлган моделни қарайлик. У ҳолда V да аниқланган σ конфигурация $x \in V \to \sigma(x) \in \Phi$ функция сифатида аниқланади; барча конфигурациялар тўплами $\Omega = \Phi^V$.

Поттс моделининг гамильтониани ушбу

$$H(\sigma) = -J \sum_{\langle x,y\rangle \in L} \delta_{\sigma(x)\sigma(y)} - \alpha \sum_{x\in V} \delta_{1\sigma(x)},$$

формула ёрдамида аниқланади, бунда $J \in R$, $\alpha \in R-$ташқи магнит майдон, $\langle x, y\rangle -$яқин қўшнилар ва δ_{ij} $-$Кронекер символи:

$$\delta_{ij} = \begin{cases} 0, \text{ агар } i \neq j, \\ 1, \text{ агар } i = j. \end{cases}$$

V_n да μ эҳтимоллик ўлчовининг тақсимотини қуйидаги кўринишда аниқлаймиз:

$$\mu_n(\sigma_n) = Z_n^{-1} \exp\left\{ -\beta H_n(\sigma_n) + \sum_{x\in W_n} \tilde{h}_{\sigma(x),x} \right\}, \tag{3}$$

бунда $\beta = \dfrac{1}{T}$, $T > 0-$ҳарорат, Z_n^{-1} $-$нормалловчи кўпайтма,

$$H_n(\sigma_n) = -J \sum_{\langle x,y\rangle \in L_n} \delta_{\sigma(x)\sigma(y)} - \alpha \sum_{x\in V_n} \delta_{1\sigma(x)}$$

ва $\{\tilde{h}_x = (\tilde{h}_{1,x}, \ldots, \tilde{h}_{q,x}) \in R^q,\ x \in V\} -$векторлар мажмуи.

Н.Н.Ганиходжаев ва У.А.Розиковларнинг ишидан қуйидаги теорема маълум.

Теорема 9. (3) формула билан берилган $\mu_n(\sigma_n)$, $n = 1,2,\ldots$ эҳтимоллик тақсимотларининг кетма-кетлиги мувофиқлашган бўлиши учун ихтиёрий $x \in V$ да қуйидаги тенглама ўринли бўлиши зарур ва етарли:

$$h_x = \sum_{y\in S(x)} F(h_y, \theta, \alpha), \tag{4}$$

бунда $F : h = (h_1, \ldots, h_{q-1}) \in R^{q-1} \to F(h, \theta, \alpha) = (F_1, \ldots, F_{q-1}) \in R^{q-1}$ функция ушбу

$$F_i = \alpha\beta\delta_{1i} + \ln \frac{(\theta - 1)e^{h_i} + \sum_{j=1}^{q-1} e^{h_j} + 1}{\theta + \sum_{j=1}^{q-1} e^{h_j}}$$

кўринишда аниқланади ва $\theta = \exp(J\beta)$, $S(x)$ тўплам x нинг тўғри авлодлари ва $h_x = \left(h_{1,x}, \ldots, h_{q-1,x}\right)$:

$$h_{i,x} = \tilde{h}_{i,x} - \tilde{h}_{q,x},\ i = 1, \ldots, q-1.$$

Тўртинчи бобнинг иккинчи параграфида Поттс модели учун $k \geq 2$ тартибли Кэли дарахти устида ТИГЎларининг тўлиқ таснифи олинган.

$\alpha = 0$ бўлсин. Поттс модели учун ТИГЎларини қарайлик, яъни ихтиёрий $x \in V$ учун $h_x = h = (h_1, \ldots, h_{q-1}) \in R^{q-1}$. (4) тенгламадан $h = kF(h, \theta)$ га эгамиз, яъни

$$h_i = k\ln\left(\frac{(\theta-1)e^{h_i}+\sum_{j=1}^{q-1}e^{h_j}+1}{\theta+\sum_{j=1}^{q-1}e^{h_j}}\right),\ i=1,\dots,q-1. \tag{5}$$

$z_i=\exp(h_i),\ i=1,\dots,q-1$ белгилаш киритиб, (5) дан ушбу

$$z_i=\left(\frac{(\theta-1)z_i+\sum_{j=1}^{q-1}z_j+1}{\theta+\sum_{j=1}^{q-1}z_j}\right)^k,\ i=1,\dots,q-1 \tag{6}$$

тенгламани оламиз.

Маълумки, $J<0$ $(\theta<1)$, $k\geq 1$, $q\geq 2$ бўлганда Поттс модели ягона ТИГЎга эга. $J>0$ бўлган ҳолни кўрамиз.

Қуйидаги тасдиқ асосий теоремани исботлашда муҳим роль ўйнайди.

Тасдиқ 2. (6) тенгламалар системасининг ихтиёрий $z=(z_1,\dots,z_{q-1})$ ечими учун шундай $M\subset\{1,\dots,q-1\}$ ва $z^*>0$ мавжудки, бунда қуйидаги ўринли:

$$z_i=\begin{cases}1, & \text{агар } i\notin M,\\ z^*, & \text{агар } i\in M.\end{cases}$$

Бу тасдиқдан ихтиёрий ТИГЎ ушбу

$$z=f_m(z)\equiv\left(\frac{(\theta+m-1)z+q-m}{mz+q-m-1+\theta}\right)^k \tag{7}$$

тенгламанинг ечимларига бирор m учун мос келиши келиб чиқади.

Лемма 1. Агар $m=m_1$ да $z(m_1)$ (7) нинг ечими бўлса, у ҳолда $m=q-m_1$ да $z^{-1}(m_1)$ ҳам (7) нинг ечими бўлади.

$k\geq 2$ бўлсин. Маълумки,

$$T_{cr}=\frac{J}{\ln\left(1+\frac{q}{k-1}\right)}.$$

Бу параграфнинг қуйидаги асосий теоремаси Поттс модели учун ТИГЎларининг тўлиқ таснифини беради.

Теорема 10. $k\geq 2$ тартибли Кэли дарахтида $q-$ҳолатли ферромагнит ($J>0$) Поттс модели учун шундай критик ҳароратлар $T_{c,m}\equiv T_{c,\,m}(k,q)$, $m=1,\dots,[q/2]$ мавжудки, бунда қуйидаги тасдиқлар ўринли:

